



ХУРУЖ КУНЛАРИ КИЛГАН ЕТТИНЧИ КЕНГАШИМ

Кўшинимнинг сонини хисоблаб кўрсам хаммаси бўлиб уч юз ўн уч отлик экан. Кенгаш килиб бирон калъани кўлга киритиб ўринлашишга қарор қилдим. Дастлаб Аложу калъасини босиб олишга жазм қилдим, Илёсхожа томонидан Менгли Буго сулдус бу калъага қўйилган экан. У ерни озик-овқат ва юқлар сакланади-ган жойга айлантирмоқчи бўлдим. Шу мақсадда Аложу калъасига йўл олдим. Шер Бахром ва [Менгли Буго сулдус] ўрталарида қадимдан ошнолик бўлганлигидан, у, «мен калъага бориб, уни ўзимизга эл килиб олсам»,— деб рухсат сўради. Бироқ Шер Бахром калъа атрофига етиб боргач, менга «Менгли Бугонинг сўзига қараганда, Илёсхожа калъани унга ишониб топширган, шундай бўлгач, энди Амир Темурга эл тутиниб, калъани унга топширса, мардлик ва мурувватдан узок иш бўлур эмиш. [Шунинг учун] калъани бизга топширишдан бош тортди»,— деган хабар келди. Лекин менинг кўшин тортиб келаётганимдан хабар топгач, кўнглига ваҳима тушиб, калъани ташлаб қочди. Илғари менинг хизматимда мулозимлик қилган, дулон жовун қавмидан уч юз йигит у билан (Менгли Буго бирлан) шу калъада эди, улар келиб менга кўшилдилар. [Бу ердан кўчиб] Дарайи Суф деган жойга келдим. Ўша вақтда Туман-баходирнинг ўғли Имлис Балх шаҳри атрофида талончилик билан машғул эди. Менинг келганимдан хабар топиб, икки юз отлиги билан келиб менга мулозим бўлди. Мен ҳам унинг кўнглини олиб овунтирдим. Шу ерда туриб, Тамука⁷баходирга уч отлик кўшдим ва Термиз дарёсидан кечиб ўтиб, Жете лашкари хақида, унинг ахволи ва режалари тўғрисида хабар топиб келтиришини буюрдим. Тамука тўрт кундан кейин келиб шуни хабар қилдики, Жете лашкари Термиз вилоятига келмишлар, халқини талаб, уруш-талаш билан машғул эмишлар. Бунга эшитиб, Дарагез деган жойга бориб туришни лозим қўрдим. Кейинроқ қулай фурсат топиб, Жете лашкари устига тўсатдан бостириб боришни ўйладим. Дарагезга келгач, Жайхун дарёси бўйида жойлашган Элчибуго майдонида келиб тушдим. Илёсхожа Дарагезга келганим хақида хабар топиши биланок кўшинидан бир неча фавжни менга қарши урушга хозирлади. Шу орада Жете кўшинидан бўлмиш амир Сулаймон барлос, амир Мусо барлос, амир Жоку барлос, амир Жалолиддин, амир Хиндука барлос Жете амирларидан юз ўғириб, ўз аскарлари билан эски Термизга келиб тушганлари хақида хабар келтирдилар. Улар менинг ҳузуримга юборган Тулан-Буга етиб келиб, мулозиматимда бўлди. [Номлари юқорида тилга олинган] амирлар минг отлик аскар билан менга қўшилмоқчи ва мулозим бўлмоқчи эканликларини маълум қилдилар. Мен эрсам уларнинг келишини

ишимнинг ўнгланишидан даракчи деб тушундим. Улар менга тунда Жете лашкари устига кутилмаган боскин килишни маслахат бердилар. Отланиб йўлга чиккан ҳам эдикки, Жете кўшини етиб келгани хакида хабар келтирдилар. Мен ўз кўшинимни сафга тизиб, душман каршисига келиб турдим. Хар икки лашкар ўртасида сув бор эди. Ганимларимни чучук сўз, ширин хикоятим билан ўз томонимга эгмокчи ва улар вужудидаги ёндирувчи [газаб] ўтини тўгри тадбир суви билан ўчирмокни маслахат кўрдим. Шу тарзда уларни ром килмокчи бўлдим. [Айнан шу мақсадда] Жете лашкарининг сардори амир Абу Саъидга [кўп яхши] сўзлар айтдим. У айтган гапларимни маъкуллади. Бирок бошка амирлар унга карши чикишиб, уруш килиш тарафдори бўлдилар. [Буни кўргач] менинг ҳам [газаб] ўтим алангаланиб, лашкаримни сафга тиздим.

ЖЕТЕ ЛАШКАРИНИ СИНДИРИШ МАҚСАДИДА КИЛГАН САККИЗИНЧИ КЕНГАШИМ

Ўз-ўзимга дедим: «Жете кўшини билан жанг килсам-у, улар кўп сонли бўлгани туфайли мабодо менинг лашкаримга зарар етса-чи? Лекин шу захотиёк гайратим ёкамдан тутиб деди: «Салтанат-ни эгаллашга даъвогарлик килиб хуруж килган экансан, салтанат шаъни ва мартабасига лойик иш тутишинг зарур. Жангга кириб, ё зафар кучиб голиб бўлгайсан, ёхуд ўлдирилгайсан». Жанг килишга тутиндим. Карасам, ганимлар уч фавжга бўлиниб, урушталаб бўлиб турибдилар. Мен ўз лашкаримни етти фавжга бўлдим. Етти фавж кўшинимни кетма-кет душман устига юбориб туришни маслахат кўрдим. Жангу жадал ўти [кўкка] кўтарилгач, амр килдимки, хировул фавжлари пистирмадан туриб ганимга ўк-ёй ёгдирсин. Шиковул ва чаповул канотидаги фавжларга эса хужумга ўтишни буюрдим. Ўзим бўлса жаронгор" ва баронгор" фавжлари билан ҳаракатга келдим. Биринчи ва иккинчи ҳамланинг ўзидаёқ Жете лашкарининг бош кўмондони (амир ул-умаро) Абу Саъидни енгдим. Шу пайт Хайдар Андхўди ва Менгли Буго менга карши жанг килиш учун майдонга тушдилар. Уларга карши ўзим отландим ва биринчи ҳамладаёқ хар иккисини ҳам тумтаракай к.илдим. [Шундай килиб] Жетенинг лашкари енгилиб, таркалиб ва сочилиб кетди.

САЛТАНАТНИ ТИКЛАШ ЙЎЛИДАГИ ТЎККИЗИНЧИ КЕНГАШИМ

Жете кўшини бошликлари устидан галаба козонганимдан кейин ва салтанатни кўлга киритиш учун хуруж килганлигим хакидаги хабар Туронзаминда таркалгандан сўнг, салтанатни ўз тасарруфимга олгудек бўлсам, адолат билан ҳукмронлик килишга азму жазм этдим.

Салтанатимнинг баркарорлиги кенгашини шундан топдимки, тўпланган хазинамдаги нақд пуллар ва [кимматбаҳо] буюмларни сипохга таксимлаб бердим ва даставвал

Кахалка калъасини олишга касд килдим. Сўнгра кўшинга [етарли даражада] озука бериб, сафга тортиб, Жайхун дарёси бўйига келиб тушдим. Термиз кечуvidан нариги киргокка ўтгач, Кахалка калъаси тарафига коровуллар юбордим. [Ўзим] Жайхун бўйида бир неча кун турдим ва коровуллар олиб келадиган хабарни сабрсизлик билан кутдим. Менинг бу ерга келганим хабари Илёсхожага эшитилгач, Бекчакнинг иниси Олчун-баходирни катта кўшин билан устимга юборди. Коровулларим гафлат уйкусида колган эканлар, уларнинг ёнидан ўтиб, факат кечалари ҳаракат килиб тун коронгусида тўсатдан ҳужум килдилар. Мен уч томони сув билан ўралган ярим оролда ўринлашгандим. Ярим орол ташқарисида қурилган бир неча чодир Жете лашқари томонидан талон-торож килинди. Омон колган аскарлар ярим оролга кўчиб ўтдилар [ва жон саклаб колдилар]. Мен бўлсам уруш талаб бўлиб, зудликда ярим оролнинг кириш қисмига бордим. Душман мендан кўрккани сабабли урушга ботиниб қиролмади. Ўн кунгача мен шу ярим оролда Турдим. Сўнг у ердан чйкйб, сув бўйларида олачук (чодир)лар тиктириб, Жете лашқарларининг қаршисида бир ойча қузатиб ётдим. Охири ганимни кўркув босиб, ортларига қайтиб кетдилар. Мен сувдан ўтиб, уларнинг манзилига тушдим ва душман орқасидан таъкиб қилиш учун бир фавж аскар жўнатдим.

САЛТАНАТИМНИ МУСТАХКАМЛАШ УЧУН ҚИЛГАН ЎНИНЧИ ҚЕНГАШИМ

Жете лашқарини мағлубияга учратганимдан сўнг, Вадахшон вилоятига бориб, уни эгаллашга, [бу билан] салтанат ишларига ривож беришга қарор қилдим. [Шу ниятда] дарё бўйидан кўчиб Хулм деган жойга тушдим. [Шу ерда] амир Козогоннинг набираси ва қайноғам бўлмиш амир Хусайн билан учрашдим. Унинг шарафига зиёфат бердим. Сўнгра Амир Хусайн билан қенгашиб, Бадахшонга боришга қарор қилдим. Қундузга етиб боргач, Юрулдой элининг сардорлари у ерда тўпланиб, менга қўшилмағунича ўринлашиб турдим. Қелишгач, уларнинг ҳар бирига фахрли халатлар қийғизиб, қўнғилларини овладим. Қўшинимнинг жангга ҳозирлиғи ҳақидаги хабар Бадахшон шохларига етгач, урушга тайёргарлик қўра бошладилар. Маслаҳат-ни шунда қўрдимки, эпчиллик, уддабурунлик қилиб, душман қўшин тўплаб улғурмасдан бурун уларга зарба бериб, уларни тўзитиб юбормокчи бўлдим. [Шунинг учун] юриш қилиб, Толиқонга етиб қелдим. Толиқонга қелганимдан Бадахшон шохлари хабардор бўлгач, тинч йўл тутиб, менга мулозим бўлишни ихтиёр қилдилар. Қўллаган тадбиримдан қўнғлим тўлди ва ҳато қилмаганлиғимни аңладим. Менинг салтанатим бутун Бадахшон вилоятига ёйилди. Бадахшон сипоҳларининг аксари менинг хизматимда бўлишни ихтиёр этдилар.

САЛТАНАТГА РИВОЖ БЕРИШ УЧУН ҚИЛГАН ЎН БИРИНЧИ ҚЕНГАШИМ

Бадахшон шохлари менинг итоатимга қиргач, Хутталонбга қараб юрдим. Бу мамлакатга

келсам, кайногам Амир Хусайннинг кўрслигидан Пўлодбуго ва Шер Бахром ундан ажралиб, ўз улусига кетиб колган эканлар. Бу ердан кўчиб, Дашти кўлак жилгасига бориб тушдим. [У ердан] Жете ва Илёсхожа лашкарлари ахволидан хабар олиб келиш учун жосуслар жўнатдим. Жосуслар ўн кундан кейин хабар келтирдиларким, Жете амирлари: биринчиси — Куч-Темур Бекчик ўгли, иккинчиси — Темур Нўбкон, учинчиси Сорик-баходир, тўртинчиси — Шанкум, бешинчиси — Хожибекнинг иниси Туглукхожа йигирма минг отлик аскарлари билан Халотий билан Пули сангин оралигида ўринлашган эмишлар.

Улар мен турган ер ва кўшиним кай ахволда эканлигини билиб келиш учун олдимга элчи жўнатдилар. [ЭлчиНинг кўзини бўяш мақсадида] лашкарларимни икки марта кайта-кайта унинг олдидан ўтказтирдим, сўнг элчига рухсат бердим. [Кейин] кенгашиб, элчи ортидан кетма-кет [кўшин тортиб] боришга қарор қилдим. Лекин лашкарларим бу ишда мен билан ҳамжихатлик қилмади. Лашка-римни атрофимга бирлаштирмоқчи бўлдим. Шунинг учун баъзиларига мурувват, меҳрибонлик қилдим, бошқалари билан келишишга интилдим, яНа бир гуруҳини эса молу дунё билан ўзимга эгмоқчи бўлдим. Яхши сўз, аҳду паймон ва ваъдалар билан қолганларининг қўнглини қўтаришни маслаҳат қўрдим.

Шу аснода хабар келтирдиларким, илгари менинг навқарим бўлган Туглук сулдус ва Кайхусрав, Жетенинг олти минг отлик аскарига бошчилик қилиб, менинг устимга келмоқда эмишлар. Бу хабар менинг лашкарим ўртасида тарқалгач, уларнинг иттифоксизлиги янада қучайиб, саросимага тушиб қолдилар. Лекин амир Жоку, Ики Темур, амир Сулаймон ва амир Жалолиддин менинг ёнимда қолдилар.

ЛАШКАРИМНИ ИТТИФОККА КЕЛТИРИШ УЧУН ҚИЛГАН ЎН ИККИНЧИ КЕНГАШИМ

Амир Жоку, Ики Темур, амир Сулаймон ва амир Жалолиддинларни хилватроқ ерга қорладим ва уларни ўзимга иттифок қилмоқчи бўлдим. Хилватда улар билан суҳбат қуриб, «давлатимга шерик бўласизлар»,— дедим. Бу билан ўзларига ишонч ва менга хизмат қилишда қатъият уйғотдим. Шунга ўхшаш, мен билан иттифоқи бузилган тоифадаги бошқа амирларни ҳам бирма-бир холи жойга қорлаб, ҳар қайсиси билан алоҳида Гаплашдим. Булардан мол-дунёга хирс қўйган очкўз ва тамагирларига мол-ашё ваъда қилдим, мансаб-мартабага ва мамлакатларни бошқаришга қўз тиккан амалпарастларни қўлим остидаги мамлакат ва вилоят-лардан бирига [хокимлик] қилишга номзод қилиб қўрсатдим.

Уларнинг ҳаммасини умид ва қўркинч орасида сакладим. Ҳар бирига биттадан ноиб ва қутвол тайинладим.

Қолган лашкарларни ҳам емак-ичмак (лукма) ва қийим-кечак (хирка) билан умидвор қилдим, ширин сўз ва очик юз билан уларни ўзимга ром этдим. Қилган бир хизматини ўн баробар қилиб тақдирлаб, дилларини хушнуд қилдим. Натижада мени қўллаб-қувватлаганлар ҳам, тесқари бўлган мунофиқлар ҳам барчаси энди атрофимда бирлашди. [Ҳар ерда] ва ҳар ишда бирлик-иттифокликни қўлдан бермасликка, амримдан чиқмасликка ваъда бериб, мен учун мол-жонларини аямай, майдонда жонбозлик қилишга аҳд қилдилар.

Лашкардан кўнглим тинчлангач, Илёсхожага карши жангга хозирлик кўра бошладим. Уни дафъ этиш ва кай йўсинда уруш олиб боришим хакида килган кенгашим шу бўлдики, ганимлар хабардор бўлиб улгурмасдан, чаптастлик билан уларнинг устига кўккисдан боскин килиш (турктоз) га қарор қилдим. Бу хусусда Қуръони мажиддан фол очиб қарасам, ушбу ояти қарима (улуг) чиқди: «Қанчадан-қанча қичкина гурухлар Аллохнинг изни билан қатта гурухлар устидан ғалаба қилган».

Ушбу башоратни топганимдан кейин лашкаримни тартибга келтирдим, уни етти фавжга бўлиб, йўлга тушдим. Тонг ёриша бошлаганда [Туглук-Темурхоннинг] хировули бўлмиш Туглук сулдус ва Қайхусравга етишдим. Икки ҳамла билан уларни енгдим ва Илёсхожа жойлашган Пули сангин (Тош кўприк)гача қувиб бордим.

Оқшом тушгач, етган еримизда тўхтадик. Жанг майдони совиб қолмасдан, кизигида Илёсхожанинг қарийб ўттиз минглик Лашкари устига тўсатдан боскин қилишга қарор қилдим. Бордию [юрисни] тўхтатсам ва бирон қор-қол юз бергудек бўлса, унинг иложини топиш учун [ўзгаларнинг] кўмагига мухтож бўлиб қолишим мумкинлиги тўғрисида ўй сурдим. Орқадан Амир Хусайн [лашкари билан] мени қўллаб-қувватлаб келаётган бўлса ҳам, бироқ мен ўзимни унинг ёрдамига мухтож бўлиб қолиш даражасига етказма-дим. Тўғри чораю тадбир ишлатиб, Илёсхожа лашкарини синдирдим.

ЖЕТЕ ВА ИЛЁСХОЖА ЛАШКАРИГА ШИКАСТ ЕТКАЗИШ ХАКИДА ҚИЛГАН ЎН УЧИНЧИ КЕНГАШИМ

Биринчи навбатда Илёсхожанинг барча зафарли фавжларини бир жойга боғланган ҳолда ушлаб туришга қарор қилдим. Шу мақсадда амир Муайяд орлот, Учқора-баходир, Амир Мусо бошчилигида икки минг отлик аскаримни Илёсхожа рўбарўсидаги кўприк ёнига жойлаштирдим. Ўзим бўлса беш минг отлик билан Илёсхожа қўшини тепасида жойлашган тоққа чиқиб ўрнашдим ва кечаси кўп жойга гулхан ёқишни буюрдим. Жете сипохийлари тоғдаги кўп гулханлар, қаршиларида Пули сангин бошида турган лашкаримнинг қатта фавжини қўриб, қўрқувдан қаросимага тушиб қолдилар. Ўша тунни Илёсхожа қўшини «жангга хозирлан!» буйругини қутиб [уйқусизликда] ўтказди. Мен туни билан тоғ устида ухламай тангри таоло даргоҳига илтижо қилиб, ундан ожизу мухтож бандасига мадад беришини тилаш ва пайғамбаримиз Мухаммад, саллоллоху алайхи васаллам, унинг яқинлари ва саҳобаларига салават айтиш билан машғул бўлдим. Ярим уйқу ва ярим уйғоклик орасида қулогимга аллақимнинг: «Темур, фатху зафар сенга ёр бўлади!»— деган овози эшитилди. Тонг отиб, ёруғ тушгач, намозни жамоат билан ўқидим. Шу вақт қарасам, Илёсхожа ўз амирлари билан отланиб, фавж-фавж бўлиб кетаётibdилар. Амирларим ва сипохийларим уларнинг кетидан қувиш қасдида мендан буйруқ беришимни илтимос қилдилар. Мен ўзимча қенгашиб, уларни то мақсадлари маълум бўлгунча таъқиб этишни бир оз қечиктиришни маслаҳат қўрдим. [Тахминан] тўрт фарсанг ерга бориб тўхтаганларидан кейин мен уларнинг фикрини тушундим. Мақсадлари бизни тоғдан. тушириб, яланг ерда жанг қилиш экан. [Бир неча қун илгари] мен шикаст етказган хировул амирлари ҳам [Илёсхожа] қошига қочиб қорғанди ва Илёсхожа уларни тоза қойиб қорғанди.

Бу пайт мен уларнинг фикридан вокиф бўлганим ва тогдан тушмаётганлигимни кўриб, оркаларига кайтишга ва менга хужум қилишга мажбур бўлдилар. Мен фавжларимни тоғ этагида сафга тизиб, жангга киришни мўлжалладим. Жете лашкарлари тоғ этагига етиб келиб, нима қилишини билмай хайрон бўлиб турганда, баходирларимга ёв устига калин ўк ёғдиришни буюрдим. Душманнинг кўпини ярадор қилдилар. Кеч кириб қоронгу тушганда, қўлларидан бир нима келмаслигини кўришгач, тоғ этакларини гир айлангириб жойлашдилар. Ўша кеча лашкаримни тўрт фавжга бўлиб, ўзим бош бўлиб, тунда ганим устига тўсатдан боскин қилиш фикрига келдим. Менинг бу кенгашим амирларимнинг ҳам дилига ўтиргач, тонгга яқин отландим ва тун панасида тўрт томондан ганим устига ҳамла қилдим. Жете лашкари ўзини йигиб, тартибга келтиргунча баходир йигитларим уларни тўзгитиб ташладилар. Чопкилаш пайтида ҳар икки томондан кўп одам ўлди. Жете лашкари «ал-фарор», «ал-фарор» дея чекиндилар. Мен Илёсхожага етиб олиб, «Йўл бўлсин?»— деб бақирдим. Овозим Илёсхожанинг қулогига етгач, у қазаб билан лашкарига дўк-пўписа қилди ва аскарлари ортларига қайтдилар. Кун кўтарилгунча қўшинларимиз ўртасида жангу чопкин давом этди. Садок-ўқдонларимиз бўшади. Ганим лашкари чекина туриб жанг қилдилар ва тўрт фарсанг узокликдаги ўз қароргоҳларига йўлда тўкилиб-сочилиб, шикаета ҳол, базўр етиб олдилар. Мен ҳам тизгин тортиб, ортларидан бошқа қувмадим ва ўша атрофда кўндим.

Жете лашкари урушда енгилганига иқрор бўлганидан кейин иккинчи бор жанг қилишга ботинолмади. Мен эса сипоҳим билан Илёсхожа қарорюҳи (ўрду)ни қуршаб олдим. Сўнг вақти-вақти билан уларга қўжум қилиб, мухорабалар қилдим. [Холи жонига қўймай] тинқасини қуритдим. Охири чорасиз қолган Илёсхожа Хўжапд сувидан ўтиб кетди. Мен ҳам уларни таъқиб қилиб ўтирмасдан фатҳу зафар билан Мовароуннахрга қайтдим. [Шундан сўнг] салтанатимнинг мустақиллиги ва мустаҳкамлиги борасида кенгашлар ўтказдим. Кенгашларим ўзини шавкатли буюқ амир (амири азим уш-шаън) деб ҳисоблаган ва бошқа амирлардап ўзини улугроқ билаётган амирларни- итоат эттириб, бўйсундиришга қаратилганди. Биринчи навбатда Мовароуннахрда салтанат байрогини қўтарган амир Қозогоннинг набираси Амир Хусайнни давлатимга шерик деб [элга] эшиттирдим ва у билан муросаю мадора қилдим. Гарчи у ташки қўринишидан менга дўстлик билдирса ҳам, аммо ичидан ҳамиша ҳасад ва нифок мақомида турди. Унинг ўзи Мовароуннахр салтанати тахтига ўтиришнинг орзу этарди. Унга ишончим йўқлиги туфайли хожа Шамсиддин [Қуллол] мазорига бошлаб бориб, дўстлик изҳор қилиб қасам ичдим. У ҳам дўстликка ҳилоф бирон иш қилмаслик ҳақида ақду паймон қилди.

Шундан кейин яна уч бор Қуръони мажидни қўлига олиб, дўстлик бобида онг ичди. Аҳдига вафо қилмагани учун охири менинг [жазойимга] гирифтор бўлди.

Амир Боён сулдуснинг ўғли амир Шайх Муҳаммад ўзини улуг амир деб ҳисобларди. Унинг ҳам [қўнглини топиб] ўз томонимга оғдириб олдим ва етти қўшинга бошлик қилиб, ўзимга мутеъ ва мулрзИм этдим. Мазкур қўшинларнинг амирларидан ҳар қайсисига ипоят инъом қилдим. Мендан ажралиб ўз улусига кетиб қолган Шер Баҳром ҳали ҳам менга бўйсунишни истамас эди. Уни ҳам ўзимга оғдириб олдим ва ҳузуримга чақиртирдим. У ўз улуси билан қелиб, менга итоат қилажагини билдирди. Шер Баҳромни ўз мулозимим этиб, бир вилоятни унга тортиқ қилдим.

Амир Хусайн билан орамизда қариндошлик бор бўлганлигидан унга ҳар хил мурувват қўрсатиб, муросаю мадора қилдим, лекин дўст бўлмади. Иш шу даражага бориб етдики, Балх ва Хисори Шодмон вилоятларини мендан тортиб олди. Мен [эсам] унинг синглиси ҳарамимда эканлигининг хотирини қилиб, Амир Хусайнни сиқувга олмадим. Илгари менга

ёвлик килган барча амирлар охири бўйсундилар-ку, деган хаёлда у билан муроса килиб келдим. Лекин Амир Хусайн хамиша мени маглуб этиш пайида фириб бериб келарди. Охир-окибат уни шамшир зарби билан мутеъ килишга қарор килдим.

Турон вилоятини забт этиб, Мовароуннахр вилоятини ўзбеклар вужудининг хас-хашагидан тозалаганимдан кейин, баъзи улусларнинг амирлари менга итоат этиб бош эгишни истамадилар ва ҳар бири ўз қабилалари олдида [ҳеч қимга бўйсунмаслигини кўрсатмоқчи бўлиб] ноз килиб турардилар. Амирларимдан баъзилари уларнинг ёнини олиб менга «бу давлатга баримиз шерик бўлганимиздан кейин, уларни ҳам давлатга шерик деб билайлик» дедилар. Лекин уларнинг гаплари менинг салтанат юритишимдаги гайратимга таъсир қилмади. Ўзимча кенгашидимки, «худо битта, унинг шериги йўқдир. Шундай бўлгач, Аллох таолонинг муқаддас мулки — ер юзига эғалик қиладиган (қадхудо) киши ҳам битта бўлиши керак». Шу вақт [авлиёлардан деб ҳисобланган] Бобо Али Шох олдимга келди ва: «Хой Темур, тангри таоло буюрганки, агар ерда ва кўкда икки худо бўлса, жаҳоннинг иши бузилур» деди. Мен унинг сўзларига эргашидим. Куръони мажиддан фол очсам ушбу қутлуг оят чиқди: «Инно Жаалнока халифатан фил арз», яъни «Биз сени ер юзида халифа қилдик». Мен буни [истикболнинг] хайрлик ва муборак фоллари сирасига қйритдим ва ўзларини давлат шериги билиб, менга бўйсунганини истамаган амирларни турли тадбирлар ишлатиб ўзимга итоат эттириш учун бир неча бор кенгаш ўтказдим. Кейин, энг аввал Амир Хожи барлос олдида бориб, уни ўзимга иттифокдош қилдим. Баён сулдус ўгли Шайх Муҳаммад шаробхўрликка муккасидан берилиб кетганди. Охири атароб унинг бўғзидан олди ва у олам билан видолашди. Унинг вилоятини ўзимга қўшиб олдим.

Амир Боязид жалоир ҳам Хўжанд вилоятини тасарруф этган эди. Унга [дўстона] насиҳат қилсам қабул қилмади. Окибатда ўз улусининг одамлари унга қарши чиқишиб, тутиб олдимга қелтирдилар. Мен [ўтган ишларни юзига солмай] унга илтифотлар қўргиздим. Буни қўргач, ўзи [уятдан] шарманда бўлди.

Элчи-Буго сулдус Балхда ўз салтанати тугини қўтарган эди. Бобоси Амир Қазогон тахти шу ерда бўлганлиги учун Балх тахтига даъво қиладиган Амир Хусайнни Элчи-Бугога қарши қайрадим.

Муҳаммад Хожа Аперди, найман аймагидан бўлиб, Шибиргоно вилоятини босиб олгач, менга қарши исён тугини қўтарганди. Мен унга бошқа вилоятни бериб, уни ўзимга содиқ навар қилиб олдим.

Бадахшон вилоятига эғалик қиладиган Бадахшон шохлари эса менга қарши душманлик йўлини тутдилар. Уларнинг ҳар бири билан турли қелишув қилдимки, бир-бирлари билан урушиб қетдилар. Охири менинг паноҳимга қириб, [бўйсундилар].

Қайхусрав Хутталон вилоятини ва Ўлжойту Аперди Арханг вилоятини эғаллаб олгандилар. Қайхусравга Ўлжойту Апердининг вилоятини босиб олиши учун мадад қучи жўнатдим. Окибатда Ўлжойту Аперди паноҳ излаб менинг хизматимга қелди.

Амир Хизир Ясовурий халки — ясурийлар билан Тошканд вилоятини босиб олган эди. Қайхусрав билан Ўлжойту Апердини бир-бири билан яраштирдим. Буларга ёрдамчи қуч йўсинида бир тўда киши қўшдим. Икковлари бирлашиб Ясовурий фуқароларига ҳужум қилиб, талон-торож қилдилар. Амир Хизир [Ясовурий] ожиз қолиб, менинг паноҳимга қелди. Шундай қилиб, Мовароун-нахрни уруш-талашдан тинчитдим. Менинг қахрамон аскарларим тўла қуч-қувватга қирди. [Ҳар томонга] барлос улусининг номи ва донги тарқадди. Менинг хизматим билан Чигатой қўшинлари ва тумонларининг овозаси

[оламга] ёйилди³. [Мовароуннахрдаги] жами элу халк, кўшунот ва тумонот ҳамда кўчманчилар менинг хукмронлигим остига ўтди. Бирок Мовароуннахрдаги баъзи калъ-алар [хамон] Дмир Хусайн кўлида бўлиб, уларга менинг хукмим ўтмасди. Амир Хусайн салтанатим азимати ва шан-шавкатиининг кучайганини кўргач, унда хасад томирлари ура бошлади. Касам билан килган ахд-паймонларини бузиб, менга карши исён тугини кўтарди. Мен унинг олдига кўп марта [лутф-мархаматлар кўрсатиб] бордим, у бўлса асло кошимга келмади. Бунинг устига сиртидан такаллуфлар билдириб, аслида хийла-найранг ишлатиб, мендан Карши калъасини олиб кўйди. Карши калъасини кўриклаб туриш учун кўргонбеги амир Мусо бошчилигида етти минг отлик аскар тайинлади. Кейинрок у ерга яна кўшимча беш минг отлик аскар юборди. Бу билан кифояланмай мени ўлдирмокчи бўлди. Мендаги салтанат гайрати тугёнга келиб, мени Карши калъасини ундан тортиб олишга ундади. Баъзи амирларим у ерга юриш килиб, калъани жанг билан кўлга киритишни менга маслахат бердилар. Жанг режаларини туза бошладим. [Улар айтгандай] уруш билан олсам, бунинг хатарли томонлари кўплиги кўнглимдан ўтди. Ўзимча, «мабодо калъани жанг билан олмокчи бўлсаму ганим лашкарининг ёмон кўзидан кўшинимга зарар етса-чи?» — деб ўйладим. Шундан сўнг бошка тадбирни кўллашга киришдим. Хуросон томонга юзланиб, бу билан Карши калъаси бекларининг хотирини жам килмокчи бўлдим. Кейин эса кўшиним билан [яширинча] оркага кайтиб, тунда тўсатдан калъага хужум килиб, у ерни босиб олишни режаладим. Хуллас, бу ердан кўчиб, Хуросон томонга караб йўлга тушдим. Аму дарёсидан кечиб ўтганимда, Хуросон томондан Каршига келаётган карвонга дуч келдим. Карвон бошчиси менга совгалар такдим этди. Мен ундан Хуросон амирларининг хол-ахволини суриштирдим ва Хуросон вилоятига кетаётганлигимни изхор этиб, кетишларига рухсат бердим. [Лекин] карвонга айгокчи кўшиб юбордим ва у хабар келтиргунича дарё соҳилига жойлашиб, кутдим. Айгокчи олиб келган хабарга кўра, карвондагилар Амир Мусога шундай деган эмишлар: «Амир Темурни Амударё ёкасида кўрдик, Хуросон тарафга кетаётган экан». Бу гап Амир Мусо ва Амир Хусайннинг лашкарига етгач, хурсанд бўлиб ва ўйин-кулги, айш-ишратга берилибдилар. Бу хабарни эшитишим билан кўшиним ичидан энг ишончли, довюрак, жанг кўрган баходир йигитлардан икки юз кирк учтасини танлаб олдим ва дарёдан ўтиб, олдинга юбордим. Ширкент аталмиш ерга етдим ва ўша ерда бир кеча-кундуз тўхтаб, [сўнг] яна йўлга тушиб, Карши калъасидан бир фарсанг масофага келиб тушдим. [Одамларга] арконларни бир-бирига боглаб зина хозирлаб кўйишларини буюрдим. Шу пайт амир Жоку тизза уриб: «Бир гурух баходирлар оркада колдилар, улар етиб келгунча тўхтаб туриш зарур»,— деб ўтинч килди. Шунда хотирамга бир фикр келди. Баходирларим етиб келгунча калъани ўзим кўздан кечирмокчи бўлдим. Кирк киши хамрохлигида Карши калъаси томон йўл олдим. Йирокдан калъа кораси кўринганда, баходирларимни келган ерда тўхтатиб кўйдим ва уйимизда тугилиб ўсган Мубашшир ва Абдулло исмли [йигит]ларни бирга олиб ўзим кетдим. Сув тўлатилган хандак бўйига етдим. Карасам, хандак сув билан лиммо-лим экан. Теварак-атрофга назар солиб, хандак тепасидан ўтган, калъага сув олиб борадиган тарновга кўзим тушди. Отимни Мубашширга колдириб, ўша тарнов оркали хандак устидан ўтиб, калъанинг хокрезига етдим. Дарвоза олдида бориб, эшик кокдим. [Лекин] дарвозабонлар ухлаётган экан, [ичкаридан садо чикмади]. [Хар эхтимолга карши] дарвозани ташкарисидан кесак-тош ва лой билан тўлдириб кўйишган экан. Калъа девори атрофини кўздан кечириб, нарвон ва зиналар кўйса бўладиган жойни топдим. [Сўнг] оркамга кайтдим ва отланиб баходирларим

хузурига бордим. Оркада колган лашкар фавжи хам нарвонлар билан етиб келишган экан. Хаммалари шайланиб, нарвонларни кўтаришди ва калъа сари юзландик. Хандакдан тарнов оркали калъага ўтдилар. Зиналарни хам олиб ўтдилар ва деворга кўйдилар. Эр йигитлардан кирктаси тепага чикишиб, калъага кириб олдилар. Мен хам нарвонга оёк кўйиб энди калъага кирмокчи бўлгандим, карнай тортиб, бургу чалдилар. Тангри таолонинг кўллаши билан калъани кўлга киритдим. Бу хабар Амир Хусайнга етгач, [энди] макру хийла йўли билан, дўст-ошно либосини кийиб, мени ром этмокчи бўлди.

МЕНИ КЎЛГА ТУШИРМОКЧИ БЎЛГАН АМИР ХУСАЙННИНГ МАКРУ ХИЙЛАСИДАН КУТУЛИШ УЧУН КИЛГАН КЕНГАШИМ

Амир Хусайн, «менинг дўстлик ва кариндошликни риоя қилишдан бўлак ниятим йўк»,— деб Куръон устида касам ичди ва ўша Куръонни менга жўнатди. У яна мана буларни хам айтганди: «Агар сенга айтган гапларимга хилоф бирон иш тутиш ниятим бўлса ва ўртадаги ахд-паймонимни бузиб сенга ёмонлик қилсам, шу ушлаган Куръон — худонинг китоби мени урсин». Уни мусулмон деб билганим учун сўзларига ишондим. Шундан кейин у менинг хузуримга одам юбориб, «ўртадаги ахд-паймонимизни янгиласак, худо ҳақки дуруст бўларди», деб мени Чакчек дарасида учрашишга даъват этганди. Унинг максади мени макру фириб билан кўлга тушириш эди. Ахд-паймони, сўзига ишониб бўлмаслигини билсам хам, аммо Куръон хурматини саклаб, [айтган жойига] учрашувга боришга қарор қилдим. [Бирок бу борада] кенгашиб, Чакчек дараси атрофига баходирларимдан бир гуруҳини юбориб, яшириб қўйишни, кейин эса ўзим бир неча одамимни олиб, учрашувга бормокчи бўлдим. Амир Хусайн хизматида бўлган дўстларимга хат юбориб, улардан Амир Хусайн қилмокчи бўлган ишидан мени огоҳ қилиб туришларини сўрадим. Дўстларимдан бири Шер Бахром Амир Хусайннинг нияти шум эканлигидан мени огоҳлантирди, Амир Хусайн [буни сезиб қолиб] Шер Бахромни қатл эттирди, менинг устимга эса минг отлик аскар билан хужум бошлади. Бу хабар менга етиб келганида энди дарага келиб тушган эдим. Қўшинимни тартибга солдим. Шу вақт Амир Хусайн лашкарий фавжининг қораси кўринди. Қоровуллар Амир Хусайн лашкарининг факат бир фавжи эканлиги, Амир Хусайннинг ўзи келмаганлигини хабар қилдилар ва «Амир Темур бир ўзи келибди, деган гапни эшитиб, сизни кўлга тушириш учун лашкарининг бир фавжини юборди», дедилар.

Мен [жангу жадалга] ҳозирлана бошладим. Мен билан ҳаммаси бўлиб икки юз отлик аскар бор эди. Амир Хусайн қўшинининг фавжи дарага кириб келгунча сабр қилиб турдим. Ўзим келгунга қадар [бу ерга] юборган одамларимга уларнинг қайтиш йўлини тўсишларини буюрдим, ўзим эса ёғийга юзма-юз турдим. [Шу тариқа] дарада икки ёқдан қамалиб қолган ганим лашкарининг қўп қисмини кўлга туширдим. [Сўнг] одамларимни тўплаб, саф-саф қилиб туздим ва Қаршига қараб юзландим. Тажрибамдан шуни қўриб билдимки, дўст ҳар ерда аскотар экан.

Амир Хусайнга ушбу мазмунда туркий байт ёзиб юбордим:

Ёрга еткур сабо, қим макр қилмишдир манга,

Килди эрса кимга макрин, кайтадур бир кун анга.

Бу хатим Амир Хусайнга бориб етгач, кўп хижолат бўлиб, уялди, мендан узр сўради, [лекин] мен иккинчи бор унинг сўзига ишонмадим.

ТУРОНЗАМИННИ ЎЗБЕКЛАР ТОИФАСИ КОЛДИКЛАРИДАН ТОЗАЛАШ УЧУН КИЛГАН КЕНГАШИМ

Жете ва Илёсхожа лашкарини Мовароуннахрдан кувиб, Хўжанд дарёсининг нариги киргогига ўтказиб юборган бўлсам ҳам, ўзбекларнинг баъзи фавжлари Мовароуннахр калъаларида мустахкам жойлашиб олган эдилар. Аввалига уларни бостириш учун кўшим фавжларини юбормокчи бўлдим, бироқ мабодо бу иш чўзилиб кетсачи, деган фикр мени ташвишга солди. Шу орада менга ўзбеклар калъаларга яшириниб олганлари хақида хабар келтирдилар. Лашкар фавжларини у ерга юбориш тўғри бўлмас, деб ўйланиб колдим ва Илёсхожа номидан калъадагиларга карата ёрлиг ёзиб, урушсиз топширишларини буюрдим. Ёрликни бир ўзбек кўлига тутказиб, унга хамрох килиб лашкаримнинг бир фавжини жўнатдим. Бу аскарларимга чанг-тўзон кўтариб, ўзлари-ни ганимга намоён этишни амр килдим. Илёсхожанинг талаби ёзилган ёрлиг ганимлар кўлига теккач ва лашкарларим кўтарган чанг-тўзонни кўришгач, тун коронгусида калъаларни ташлаб кочдилар. Хуллас, Мовароуннахр тупроги мени ўлдиришга касд килган ўша золимлардан тозаланди ва мамлакат тамоман менинг кўлимга ўтди. Кариндошлик хурматини килиб, Балх билан Хисори Шодмон вилоятларини Амир Хусайнга тортик килдим. У бўлса унга килган эхсону мурувватимни билмади, мени махв этишга касд килди. Мен ҳам кенгашиб, Амир Хусайнни ўлдиришга қарор килдим. Амир Хусайн мен кўлга киритган галаба ва ютуқларимни кўролмай, хасад ичини кемириб, менга ва харамимдаги ўз синглисига кўп озор берди. У Мовароуннахрни мендан тортиб олишга, мени ўлдириб тахтга ўзи ўтиришга бел болаган эди. Ўртамизда неча бор урушлар бўлиб ўтган бўлса-да, барчасида енгилди. Унинг адолатсизлиги, инсофсизлиги чегарадан ошган, мени енгил ва ўлдиришига оз колган вақт ҳам бўлди. Айнан шу вақтда кўрслиги, ёмон йўл тутиши туфайли амирлари ундан юз ўгирдилар. Хутталон хокими амир Кайхусравни инисини сабабсиз катл эттирди. Окибатда, амир Кайхусрав ҳам Хутталонда унга душман бўлиб колди. Амирлари [анчадан бери] ундан норози бўлиб, адоват саклар эдилар, у бўлса уларни ўз тарафдори деб биларди. Шу сабабли яна мени тор-мор килиб, махв этиш касдида қароргоҳини Балх чеккасидаги бир жойга кўчирди. Бу хабарни эшитишим билан Амир Хусайн ҳаракатга келмасдан бурун устига бостириб боришга қарор килдим. Бор лашкарим билан Балх сари, юзландим. Йўлда ҳар ёқдан зафарли лашкар фавжлари келиб менга кўшилди ва Балх атрофига келиб тушдим. Амир Хусайн қарши чиқиб, мен билан жанг килди. Охири қочиб калъага кириб олди. Сўнгра бошига нима келган бўлса, ўз килмишидан бўлиб, кўргилигини кўрди.

МЕНГА ТУРЛИ ЁМОНЛИКЛАР КИЛИБ ЧЎЧИБ ЮРГАН ВА КИЛМИШЛАРИ УЧУН

МЕНИ ЎЛДИРАДИ ДЕБ ВАХИМА КИЛИБ ЮРГАНЛАРНИ ЎЗИМГА ЭЛ КИЛИБ ОЛИШ БОБИДА КИЛГАН КЕНГАШИМ

Амир Хусайн менга асир тушгандан кейин унинг навкарлари ва амирлари «энди бизни ўлдиради», деб гумон қилган эдилар. Гарчанд аввалига ниятим уларни ўлдириш бўлган бўлса ҳам, кейинрок, «ахир улар аскарлар-ку?» деб уларни афв этдим ва яна аскарлик ишларига тайинладим.

Бадахшонда ҳоким бўлмиш уларнинг бош амири (амир ул-умаро), кўп мартаба жангда мен билан юзма-юз келиб, қилич чопишган киши эди. Амир Хусайн қатл этилганини эшитгач, менинг қаҳримдан кўркиб, ўзини сергак тутди ва бордию уни тутиш учун кўшин юборгудай бўлсам тўғри иш қилмаган бўлур эдим. [Шунинг учун] ўзимни уни унутган кишидек тутдим ва [унинг борасида] ушбу тадбирни қўлладим: мажлисларда, йигин-ўтиришларда уни яхши сўзлар билан ёд этиб, мардлиги ва баҳодирлигини мактадим, токи дўстлари: «Амир сенга нисбатан марҳамат ва иноят макомида, турибди» деб унга хат ёздилар. У зорланиб менга мактуб юборди ва инояту марҳаматимдан умидвор бўлиб менинг паноҳимга келди.

ХУРОСОН ПОЙТАХТИ (ХИРОТ)НИ ОЛИШ БОБИДА КИЛГАН КЕНГАШИМ

Амир Хусайн ўлдирилиб, [унга қарашли] Балх, Хисори Шодмон ва Бадахшон вилоятлари менинг тасарруфимра ўтгани қакидаги хабар Хуросон ҳокими малик Гиёсуддинга етганида, уни кўркинч босди, [уруш қилиш учун] лашкару сипох тўплаб, муҳофаага шайланди. Кенгашиб, хуросонликлар хушёрлигини сўндириб, гафлат уйқусига чўмдириш учун, мен ҳарбий хийла ишлатишни фикр қилдим. Шў мақсадда Самарқандга юриш қилмоқчидай бўлиб орқага қайтдим. Шу аснода малик Гиёсуддиннинг [мендан кўнгли тинчиб], жабр-зулм қилмоққа қўл урганлиги ҳақида пиридан хат олдим. Менинг Самарқанд тарафга қайтганим ҳақидаги хабарни эшитиб Гиёсуддин хотиржам ўлтирган эди. Шунда мен ўзимга кенгашиб, «ана энди хуросонликларнинг кўнгли мендан хотиржам бўлди, уларнинг устига бостириб боришнинг айна пайти», дедим ва Балх чеккасидан қайтиб, Балхда қолдирган аскарларим билан Хиротга қараб юрдим, малик Гиёсуддинни гафлат уйқусида босдим ва у ночор шаҳардан чиқди, ҳазина ва тамом бойлигини менга пешкаш қилди. Шундай қилиб, Хуросон мулки менинг қўлимга ўтди. Хуросоннинг барча амирлари менга бўйсундилар.

СЕИСТОН, КАНДАХОР ВА АФГОНИСТОН МАМЛАКАТЛАРИНИ ЗАБТ ЭТИШ ҲАҚИДАГИ БОШКА КЕНГАШИМ

Хуросон мамлакати бўйсундирилгандан кейин амирларим юко-рида эслатилган уч мамлакатга лашкар юборайлик, деб маслахат бердилар. Мен дедимки, агар лашкарнинг ўзи билангина иш битмаса-чи? Унда ўзим боришим керак бўлади. Менинг мўлжаллаб қўйган бошка ишларим кўп. Маслахатни шунда билдимки, ўша диёрлар ҳокимларини ўзимга огдириб олиш учун «Агар менга қўшилсанглар [кутиласизлар], курашсанглар йикиласизлар. У холда тақдирингизда нима бўлса ўшани кўрасизлар», деган мазмунда хат ёздим. Бу тадбирим тақдирга тўғри келди. Ёрлигларим уларга етиши биланок итоат бошларини бўйсунтириш мақомига қўйдилар.

давоми бор...